● *Кеча жиноят-қидирув хизмати ходимлари куни нишонланди*

# ЮЗМА-ЮЗ

**Жиноят қидирув хизмати ички ишлар идораларида энг таянч хизмат ҳисобланади. Мазкур хизмат ходимлари ўз фаолияти жараёнида жиноятчилар билан юзма-юз олишадилар. Кези келганда жонини фидо қилиб бўлса-да, ўз хизмат бурчини адо этишади. Қолаверса, юртимиздаги мавжуд тинчлик, осойишталик ва хотиржамликнинг барқарор бўлишида ҳам ушбу хизмат ходимларининг ўзига хос улкан улуши, салмоқли ҳиссаси бор.**

**Республика Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув Бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, милиция подполковниги Аваз Аббосович АЗИЗХЎЖАЕВ билан бўлган суҳбатимиз ҳам ана шу фидойи кишилар ва бу борада олиб борилаётган ишлар хусусида бўлди.**

— Республикамиз мустақил бўлгандан сўнг 1992 йилда Ички ишлар вазирлигининг жиноят-қидирув Бошқармаси Бош бошқарма мақомини олди. Масъулият янада ошди. Талаб янада кучайди. Вазирлик тизимига кирувчи барча қуйи бўғин идораларининг иш услублари қайта кўриб чиқилди. Ишларни бирмунча такомиллашган тарзда олиб бориш, энг муҳими эса хизматда сифат ўзгаришига яъни жиноятларни "иссиғида" очишга эришиш асосий мақсад этиб қўйилди.

Содир этилган жиноятларни шунчаки очиш билан чегараланиб қолмасдан, уларнинг қайта такрорланмаслиги чора-тадбирларини кўриш мақсадида бир турдаги кўплаб учраётган жиноятларнинг сабаб ва шарт-шароитларини ўрганишга ҳам жиддий эътибор қаратилди.

Ўтган давр мобайнида жиноятчиликка қарши курашда ижобий натижаларга эришдик, десам муболаға бўлмайди. 1993 ва 1994 йилларда жиноятларнинг содир этилиши 8-10 фоизга камайиб, уларнинг ўз вақтида очилиш сурати эса 78,3 дан 84 фоизга ўсди. Оғир турдаги жиноятлар бошқа йиллардагига қараганда сезиларли камайган бўлса, уларнинг очилиш даражаси ҳам 66,8 дан 73 фоизга ошди.

Шунингдек, жиноят қидирув Бош бошқармаси ходимлари шахсга ва мулкчиликка нисбатан бўладиган жиноятларни очиш, жиноят содир қилиб жавобгарликдан қочиб юрган жиноятчиларни ушлаш, домдараксиз йўқолган шахслар тақдирини аниқлаш, гиёҳвандлик жинояти турларига қарши кураш олиб бориш борасида ҳам кўпгина ишлар қилди.

**— Гиёҳвандлик ва ичкиликбозлик кўплаб жиноятларнинг илдизи саналади. Жамиятга, инсонлар ҳаётига оғир ва жиддий зарар келтирувчи ушбу иллатларга қарши кураш қай йўсинда олиб борилмоқда?**

Жорий йилнинг апрель ойида Ўзбекистонда гиёҳвандлик моддалари устидан назорат қилиш давлат комиссияси тузилди. Мазкур ташкилот барча давлат ва жамоат ташкилотларининг гиёҳвандликка қарши кураш борасидаги фаолиятларини мувофиқлаштириш билан бирга халқаро ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик қилишни йўлга қўйишда ҳам амалий ёрдам бермоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш босқичма-босқич амалга оширилаётган бир пайтда иқтисодий қийинчиликни рўкач қилган айрим шахслар гиёҳванд моддаларни ўстириб, ундан моддий бойлик орттириш ниятида жиноятга қўл урмоқдалар. Айниқса, бундай кишилар ушбу оғули ўсимликларни республикамизнинг тоғли ва кишилар бориши қийин бўлган жойларида кўплаб экишмоқда.

Рақамлар шуни кўрсатадики, 1991 йилда умумий ҳажми 156 гектар, 1992 йилда 234, 1993 йилда эса 276 гектар майдонга мана шундай беҳосият экинлар экилганлиги аниқланган эди. Бу йил эса ходимларимиз 441 гектар майдонга экилган гиёҳванд моддаларни аниқлаб уларни йўқ қилишди.

Махсус тайёрланган гиёҳванд моддаларни ғайриқонуний тарқатиш ва ташиш билан шуғулланувчи кимсаларга қарши кураш ҳам жиддий тус олди. Қўлга олинган жиноятчилардан тортиб олинаётган гиёҳванд моддаларнинг турлари ва тафсилотлардан шу нарса аниқландики, минтақамиз учун хос бўлмаган "героин" гиёҳванд моддаси Афғонистон ва Покистон мамлакатларидан кириб келмоқда. Бундан ташқари Тожикистон ва Қирғизистон Республикаларидан ҳам турли хил гиёҳванд моддаларнинг кириб келиши қайд этилаётир. Шу йилнинг март ойида Термиз шаҳрида афғонистонлик ва ўзбекистонлик фуқаролардан иборат кичик жиноий гуруҳдан бир килограмм героин, саккиз килограмм гашиш ҳамда мазкур моддаларни тарқатиш эвазига орттирилган катта миқдордаги чет эл валютаси ҳамда бошқа қимматбаҳо буюмлар тортиб олиниб, уларнинг жиноий ишлари фош этилди. Демак, жиноятчилар республикамизда нафақат гиёҳвандлик моддаларини ўстириш, тайёрлаш, балки уни республикамиз ҳудуди орқали бошқа жойларга олиб ўтиш билан ҳам шуғулланишмоқда. 1994 йилнинг 3 август куни Андижон вилоятининг Хонобод шаҳридаги ДАН постида "Ўш-Жалолобод" йўналишидаги автобус йўловчиси, Қирғизистон Республикасининг фуқароси О. Холматов 7 килога яқин соф қора дори (опий) моддасини олиб кетаётганда қўлга олинди. Шунингдек, Тошкент шаҳрининг Қўйлиқ мавзесида гиёҳванд моддаларини тарқатиш билан шуғулланган самарқандлик фуқаро Шер Н. В. ижарада яшаётган хонадондан умумий вазни 120 килограмм бўлган кўкнори гиёҳванд моддаси топилди.

Бундай мисолларни кўплаб келтирса бўлади. Айниқса, Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг тоғли ҳудудларида оғули ўсимликларни ўстириш оммавий тус олмоқда. Шу йили биргина Ургут туманида гиёҳвандлик моддаларини тарқатгани, сақлагани учун юздан ортиқ фуқаро устидан жиноий иш қўзғатилди. Гиёҳвандликка қарши кураш жиноят қидирув хизмати ходимларининг доимий иш режасига киритилган. Биз бундан буён ҳам бу борада муросасиз кураш олиб борамиз.

**— Сир эмас, кейинги йилларда жиноятчилик оламида ўзича "таниқли" бўлган айрим уюшган жиноий гуруҳ раҳбарлари ўз "гумашталари" билан бирин-кетин жиноят қидирув хизмати ходимлари томонидан қўлга олинмоқдалар. Мана шу жиноятчи тўдаларга қарши олиб борилаётган кураш борасида ҳам фикрингизни билмоқчи эдик.**

— Жорий йилнинг саккиз ойи мобайнида 1096 та уюшган турдаги жиноий гуруҳларнинг ноқонуний ҳаракатларига чек қўйилди. Ушбу гуруҳларга аъзо саналмиш 2857 нафар унсур қотиллик, босқинчилик, талончилик, товламачилик, ўғрилик ва гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ бўлган жиноятларни содир этгани учун уларнинг ҳар бири қилмишларига яраша жиноий жавобгарликка тортилди. Масалан, яқинда Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳри, Ғузор, Қамаши, Нишон ҳамда Тошкент вилоятининг Бўка тумани ҳудудларида ҳар хил турдаги жиноятлар содир этиш билан шуғулланган Б. Аҳмедов ва Э. Бобоқуловлар бошчилигидаги 22 кишидан иборат уюшган гуруҳнинг "ижодий" фаолиятига ҳам сўнгги нуқта қўйилди. Улар жами 47 та жиноятни содир этганлар. Икки инсоннинг ҳаётига зомин бўлган, турли босқинчилигу талончилик билан шуғулланган ашаддий жиноятчилар ҳам айнан шулар бўлиб чиқди. Шунингдек, бу жиноятчиларнинг 39 марта ўғирликка қўл уришганлиги ҳам ўз исботини топди.

Тергов-қидирув ҳаракатлари жараёнида улардан 5 килодан зиёд гиёҳванд моддаси, битта қилич, иккита автомашина ва кўплаб қимматбаҳо буюмлар далилий ашё сифатида олинди.

Шу йили Тошкент шаҳар ва вилоятларида бир неча йилдан бери ҳар хил оғир жиноятлар содир этиб келган Қ. Бўриев ва Ш. Носировлар ўз жиноий фаолияти учун суд олдида жиноий гуруҳ аъзолари билан биргаликда жавоб бердилар.

**— Фалончининг уйини, молини, ёки қизини... деган совуқ хабарлар халқ орасида жуда тез тарқалади. Шу боис, қотиллик, босқинчилик, талончилик ва номусга тегиш каби жиноятлар турига қарши кураш хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Мустақил Ўзбекистонимиз равнақига, халқимиз фаровонлигига ва элимиз тинчлигига рахна солувчи айрим ношуд ва нобакор кимсаларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатларига чек қўйиш, ўғри, муттаҳам, киссовур ва товламачиларнинг танобини тортиб қўйиш борасида ҳам қатор тадбирларни амалга оширмоқдамиз.

Шу йилнинг 23 август куни Мирзо Улуғбек тумани ҳудудидаги дарёчадан номаълум кишининг жасади топилди. Марҳумнинг ҳам, қотилнинг ҳам шахси тезда аниқланди. Ачинарлиси шундаки, мазкур қотилликни содир этган шахс марҳумнинг ўгай ўғли бўлиб чиқди. Қотил ўғил бу номаъқул ишни оиладаги келишмовчилик туфайли содир этганини тан олди.

Бинобарин, бедарак йўқолган кишиларнинг айримлари тирик топилмаётгани ҳам кўнгилни хижил қилади. Чунки, жиноят қидирув хизмати ходимлари томонидан қидирилаётган кўплаб кишиларнинг тақдири фожиали ҳолатда аниқланмоқда. Сирдарёлик Луиза Саибоева ҳам қидирувда эди. Аммо унинг жасади ўта мудҳиш ва аянчли ҳолда топилди. Ўн гулидан бир гули очилмаган 19 яшар қизнинг умрига зомин бўлган 33 ёшли қотил ҳам кўп ўтмай қўлга олинди.

Дарҳақиқат, мазкур мудҳиш қотилликларни очиш осон бўлмади. Тинимсиз меҳнат ва ақл-идрок билан олиб борилган зукко саъй-ҳаракатлардан сўнг, қотиллар тавбасига таянишди. Чунки, қатор фактлар олдида қабиҳ қилмишларини тан олмасдан иложлари йўқ эди.

**— Жиноятчиликка қарши кураш борасида республикамиздаги ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари ва чет эллардаги ҳамкасблар билан ўзаро ҳамкорлик муносабатлари борасида билмоқчи эдик.**

— Президентимизнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларига алоҳида эътибори туфайли жиноятга қарши кураш посбонларига самаралироқ ишлаш имкониятлари яратилди. Ходимларимиз бугунги кунда хорижий мамлакатлардаги ҳамкасбларининг тажрибасини ўрганиш мақсадида бир неча хорижий давлатларига бориб, малакаларини ошириб келдилар.

Маълумки, сўнгги пайтда уюшган жиноятчиликка, гиёҳвандликка қарши кураш жаҳон миқёсидаги долзарб муаммога айланди. Ушбу турдаги жиноятчиликка қарши курашни жадаллаштириш мақсадида вазирлигимиз раҳбарият ходимлари хорижий мамлакатлардаги ҳамкасблари билан тажриба алмашмоқдалар. Ҳамдўстлик, Болтиқ бўйи мамлакатлари билан ҳам ўзаро ёрдам ҳақида шартномалар бор. Қолаверса, бизнинг "Интерпол"га аъзо бўлганлигимиз жаҳон мамлакатлари билан жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорликдаги ишимизнинг янада кучайишига имкон яратади.

Жиноятчиликнинг илдизига болта уришда нафақат жиноят қидирув хизмати ходимлари, балки ички ишлар идораларидаги барча ходимлар, миллий хавфсизлик хизмати, прокуратура идоралари, Адлия вазирлиги ходимларининг ҳамкорликларини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу ҳамкорлик келажакда янада мустаҳкамланади.

Фурсатдан фойдаланиб, барча жиноят қидирув хизмати ходимларини, фахрийларини касб кунлари билан муборакбод этиб, машаққатли, шарафли ишларида улкан зафарлар тилайман.

**Суҳбатдош: Шуҳрат РЎЗИЕВ, "Халқ сўзи"нинг жамоатчи мухбири, Республика Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази ходими.**

# ЭЛГА ТАЯНИБ

**Мустақил юртимизда амалга оширилаётган улкан ишлар биз — ички ишлар ходимлари олдига ҳам масъулиятли вазифаларни қўйди.**

Шаҳримиз аҳли ва меҳмонларининг тинчлиги, осойишталигини сақлаш асосий вазифамизга айланди. Бу борада 1994 йилда мунтазам равишда ўтказилган "Назорат", "Тўсиқ", "Тозалаш", "Турмуш", "Ўсмир", "Арсенал" ва бошқа шу каби шартли номланган тадбирлар ўзининг ижобий самараларини берди. Натижада жиноятчилик бир мунча камайди. Агар ўтган йили умумий жиноятларнинг очилиши 83,5 фоизни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич айни пайтда 89,5 фоизни ташкил қилмоқда. Ўтган йил билан солиштирилганда, фуқароларнинг мулкини ўғирлаш, босқинчилик сезиларли камайганлигини кузатиш мумкин. Жумладан йилнинг саккиз ойи мобайнида 230 шахсни ўз ичига олган 87 та жиноий гуруҳ қўлга олинди. Тергов жараёнида улар томонидан содир этилган 143 та оғир жиноят фош этилди. Ушбу жиноий гуруҳлардан қиркма милтиқлар, АКМ автомати, ўқ отар қуроллари ва ўқ-дорилар, турли маркали еттига автотранспорт воситаси, 2500 АҚШ доллари, 3 килога яқин гиёҳванд моддалар олинди.

Шунингдек, қўшни Республикалардан ғаразли мақсадларни кўзлаб келган айрим нопок кимсалар билан қўшилишиб жиноят содир этаётганлар ҳам учраб турибди. Масалан, шу йилнинг июнь ойида етти кишидан иборат жиноий гуруҳ томонидан фуқаролари М. Комилов ва Ш. Қурбоновлар ваҳшиёна ўлдирилган. Ушбу оғир жиноятни содир қилган гуруҳ ички ишлар ходимлари томонидан қисқа муддатда фош қилиниб жиноий гуруҳ ва уларнинг раҳнамолари тез фурсатда қўлга олинди. Тан олиш керак шаҳримизда гиёҳвандликка қарши курашда ҳам сезиларли натижаларга эришилаяпти. Ўтган йилнинг 8 ойида гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг 28 фоизи очилмай қолган бўлса, 1994 йилнинг шу даврга келиб, ушбу жиноятларнинг очилиши 99,3 фоизга етди.

Ургут туманида истиқомат қилувчи А. Марадуллаев 21 килограмм кўкнори билан қўлга олинган бўлса, тошкентлик фуқаро Т. А. 2 кило, Ғиждувон туманида истиқомат қилувчи Ж. А. эса 4 кило кўкнори билан қўлга тушдилар. Инсонлар ҳаётини заҳарловчи бундай нопок иш билан, ҳатто аёлларнинг ҳам шуғулланишаётгани кишини ташвишга солади.

Шуни алоҳида эътироф этмоқчиманки, жиноятчиликнинг барча турларига қарши курашда кенг жамоатчиликнинг кўмагига таяниб иш юритаяпмиз. Самарқанд шаҳар ҳокимлиги, туманлар раҳбарлари ва маҳаллалар оқсоқоллари масъулиятли ишимизни шараф билан уддалашда яқиндан ёрдам беришаётгани бунинг яққол далилидир.

**Б. ЖУМАТАЕВ,**
**Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги.**



СУРАТДА: (чапдан) Собир Раҳимов тумани ички ишлар бўлимининг Жиноят қидирув бўлими бошлиғи милиция капитани Шоир Рихсиев ва тергов бўлими бошлиғи, милиция майори Рустам Темуровлар жиноятчилардан мусодара қилинган дори-дармонларни кўздан кечирмоқда.

Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

● *Нуқтаи назар*

# ИСТИҚЛОЛ — ИЛМУ МАЪРИФАТ ТАЯНЧИ

**Янги шароитда республикамизда таълим сиёсати вазифаларининг назарий асослари мутахассислар тайёрлашнинг кўп босқичли тизимига ўтишнинг аҳамияти, ҳар бир давлат ўзининг таълим тизимига ва таълимни амалга ошириш стратегиясига эга эканлиги мутахассислар томонидан қайта-қайта таъкидланмоқда. Биз ҳам бу борада айрим мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашмоқчи бўлдик.**

Очиғини айтадиган бўлсак, республика ўқув-услубий марказидаги айрим мутахассислар мустақил таълимнинг ривожланишидан манфаатдор эмасга ўхшайди. Чунки, дарсликлар муаммосида бир вақтлар тарихчи олимимиз Бўривой Аҳмедов ягона марказ ташкил қилиб, дарсликлар тайёрлашни ўртага ташлаганида, муқобил дарсликлар тайёрланаверсин, деб у кишининг таклифи қабул этилмаганди. Оқибатда эса бу иш ўлда-жўлда қолди. Чунки иккала вазирликда ҳам тарихни, мактаб ва олий ўқув юртини чуқур биладиган етакчи тарихчилар кам.

Кейинги 20-30 йил мобайнида олий даргоҳлар ва бошқа илм масканларида кўплаб ўрта даражадаги олимлар тўпланиб қолди. Илмий даражалар, унвонлар, мансаблар баъзан ҳақиқий билимга эмас, таниш-билишларга, яқинларга улашилди.

Бир бало қилиб диссертация ёқлаб олган кишилар кимнингдир соясида таълимнинг энг муҳим бўғинларини бошқариб келди. Ҳозир ҳам бундайлар йўқ эмас. Бундай ҳолга чек қўйиш учун, бизнингча, энг аввало юқори бўғинда жуда қаттиқ танлов асосида мутасаддилар тайинланиши, улар эса ана шу танловни ўрта ва пастки бўғинга жорий этиши керак.

Президентимиз И. Каримов Япониядан қайтаётганида у ердаги раҳбарлар қўл остидагиларга нисбатан кўпроқ билимга эга эканлигини, энг паст лавозимларга ҳам танлов асосида одамлар танланишини, шу сабабли ишлаб чиқариш пухта йўлга қўйилганлигини алоҳида таъкидладилар.

Дунёдаги энг тараққий этган мамлакатлар иккинчи жаҳон уруши йилларидан бери "ақл ўғирлаш" режасини амалга ошириб келади. Уруш охирида немис ракетасозлиги билимдони Адольф фон Браун ва юзлаб бошқа истеъдодли олимларнинг АҚШга олиб кетилганлиги атом соҳасида буюк кашфиётлар очди. Асли ҳиндистонликлардан бир нечта Нобель мукофоти лауреатлари етишиб чиқди. Чунки ғарбда уларнинг илмий изланишлари учун ҳақиқий шароит яратилди-да.

Мактаб ёшидаги болаларнинг турли нарсалар билан савдо қилаётганлигини кўриб, беихтиёр ўйга толасан. Улар ўзларининг тенгқурларига ҳам таъсир ўтказаяптилар. Чунки бола мослашувчан бўлади. "Савдогарвачча" жарақ-жарақ пул ва ясан-тусан билан синфга ёки аудиторияга келса, илм билан шуғулланаётган бошқаларга, албатта таъсири кучли бўлади. Хўш, улардан келгусида миллат тараққиёти, Ватан равнақи учун нималарни кутиш мумкин?!

Биз илму маърифат тараққиёти тарихига назар ташласак, ҳаммаси истиқлол ва мустақиллик билан боғлиқ эканлигини кўрамиз. IX—XI асрларда миллий давлатларнинг пайдо бўлиши, Буюк Темур давридаги салтанат илму маърифатнинг ривожига шароит яратмадими?

Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида ҳам бу нарса яққол кўринади. XVII аср ўрталарида Англияда буржуа инқилоби бўлиб, мамлакат ягона давлатга айлангач, саноат инқилоби содир бўлди. Францияда ҳам худди шундай. АҚШда эса иккинчи инқилоб — фуқаролар урушидан (XIX аср иккинчи ярми) кейин мамлакатнинг Жануби билан Шимоли бирлашди ва буюк ютуқларга йўл очилди. Германия ҳам бирлаштирилгач, кенг тараққиёт йўлига чиқди. Японияда ҳам илму маърифатнинг жадал ривожланиши XIX асрнинг иккинчи ярмидаги тугалланмаган буржуа инқилоби билан боғлиқдир. Ўзбекистоннинг мустақиллиги ҳам тинч йўл билан амалга оширилган янги инқилобдир, у илму маърифатнинг ривожига хизмат қилади.

Давримизнинг долзарб соҳалари бўйича кадрлар тайёрлаш, илму маърифат масканларини, айниқса, халқ таълимидаги масканлар ва олий ўқув юртларини ўқув материаллари билан етарлича таъминлаш зарур. Олий ўқув юртлари билан академия институтларининг айрим-айрим яшаб келаётганлиги олимларнинг кучларини бирлаштиришга халақит бермоқда. Буларнинг кучларини бирлаштириш даври келмадимикин?

Истиқлол бизга тилимизни, тарихимизни, динимизни, маънавиятимизни қайтариб берган экан, улуғ бобокалонларимиз руҳлари олдида уятга қолмасдан илму маърифатни юксалтириш келажагимизни белгилашини унутмаслигимиз даркор.

**М. ЛАФАСОВ,**
**А. ХИДИРОВ.**

# ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

**НАВОИЙ тоғ-металлургия комбинатининг марказий лабораториясида ноёб асбоб-ускуналарнинг тўғри ишлашини назорат қилувчи ва таъмирловчи лаборатория кўпдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда.**

Замонавий ускуналарнинг бир маромда ишлаши ана шу жамоа аъзоларининг билими ва тажрибасига боғлиқдир. Бу ерда ишлаётган муҳандис ва техникларнинг кўпчилиги ўз ишининг устасидир. Бугун ана шу лаборатория асбоб-ускуналари ер остида ишлашни такомиллаштириш ва қазилма бойликларни жойида ишқорлаш бўйича катта синовдан ўтаётир. Бунга лаборатория ходимларининг кўп йиллар давомида олиб борган илмий изланишлари асос бўлмоқда.

Лаборатория бошлиғи Р. Риков ҳозир ишлаётган ускуналарни такомиллаштириб, уларни қазилма бойликлар олинаётган жойда ишқорлашнинг аҳамияти катта эканлигини биринчи бўлиб илмий жиҳатдан исботлаб берди. Ҳозир бу янгилик комбинатнинг Жанубий кон бошқармасида синовдан ўтмоқда.

Навоийлик олимнинг изланиши унга фан номзоди унвонини берибгина қолмай, балки ишлаб чиқариш ҳамма вақт изланиш ва истеъдоднинг камол топишига шароит яратиб беришини исботлади. Агарда янги усулда ишқорлаш синовдан муваффақиятли ўтса, унда бу янгилик комбинатнинг бошқа конларида ҳам жорий этилади. Натижада, комбинат миллион сўмлаб иқтисодий наф кўради.

**Ф. САНАЕВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

«ХАЛҚ СЎЗИ» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

*Қадрли муштарийлар!*

*1995 йил учун "Халқ сўзи" газетасига обуна барча алоқа бўлимларида қабул қилинмоқда.*

"ХАЛҚ СЎЗИ" НИНГ ФУҚАРОЛАР УЧУН ЯККА ТАРТИБДАГИ

йиллик обуна баҳоси — 276 сўм
олти ойга — 138 сўм
уч ойга — 69 сўм
бир ойга — 23 сўм

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР УЧУН

бир йилга — 624 сўм
олти ойга — 312 сўм
уч ойга — 156 сўм
бир ойга — 52 сўм

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР, "ХАЛҚ СЎЗИ"ГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!

# ПОЛЬ БЕРНАР — ТЕРМИЗДА

Ўзбекистондаги дастлабки археологик қазилма ишлари франциялик бу машҳур олим номи билан боғлиқ. Шарқ мамлакатлари тарихи бўйича катта мутахассис бўлган Поль Бернар ўтган куни Сурхон воҳасига ташриф буюрди. Дастурга мувофиқ у бошлиқ гуруҳ аъзолари кўҳна Термизни бориб кўрдилар. Искандар Зулқарнайн қадамжолари бўйлаб қилинган зиёрат хорижлик меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

**Н. ЗИЁЕВ.**
**"Халқ сўзи"нинг жамоатчи мухбири.**

### ТУЗАТИШ

Газетанинг 5 октябрь сонида "Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ҳамда қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуннинг биринчи устун юқоридан ўн учинчи сатрдаги "лицензиянинг" сўзи "лицензиатнинг" деб ўқилсин.

## СЕРГАК ТЕЛЕФОН

### СУВСИЗ ЯШАШГА МАҲКУММИЗМИ?..

**Илҳом ХЎЖАНИЁЗОВ, Сирдарё вилояти, Дўстлик қўрғони, Солиев кўчаси 69-уй:**

— Бир неча ойдан буён маҳалламизда ичимлик суви йўқ. Сувни баъзан бир неча чақирим масофадаги маҳалладан ташиб келтирамиз, гоҳо эса сувсиз яшашга маҳкуммиз. Бу ҳол қачонгача давом этиши фақат масъул раҳбарларгагина аён...

### ОТАНГГА БОР, ОНАНГГА БОР!

**Зоҳид ИМОМОВ, Зангиота тумани, Навоий жамоа хўжалиги, Ҳ. Олимжон кўчаси 8-уй:**

— Телефонимизнинг ишламаётганига бир йилдан ошди. Туман мутасаддиларига мурожаат қилсак, улар кўрс жавоб қилишди. Биз эса қайси раҳбарнинг эшигини қоқишга ҳайронмиз.

### ҲАЛИ "ГАЗ" ДЕГАНЛАРИ ШУМИ?

**Абдулла МИРЗАЕВ, Наманган вилояти, Уйчи тумани, Ёркатай қишлоғи:**

— Қишлоғимиз газлаштирилганда бошимиз осмонга етганди. Афсуски, қувончимиз узоққа чўзилмади. Сабаби: бир-икки ойдан сўнг иситиш асбоблари ишламай қолди. Раҳбарларга учрашсак, "Бу йил чиданглар, Андижондан газ олиб келтиряпмиз", — дейишдан нарига ўтишмади. Ўтган қишда газимиз бор деб, ғамимизни кўриб қўймаган эканмиз, роса қийналдик. Бу йил ҳам ўтган йилдагидек аҳвол такрорланмаса деб қўрқамиз.

### ОЛТИАРИҚДА "БЕРМУРД УЧБУРЧАГИ"

**Исроил САТТОРОВ, Бувайда тумани, Ингирчоқ қишлоғи:**

— Учкўприк туманидаги 94, Бувайда туманидаги 123-автопаркларга қарашли автобуслар Бағдоддан Олтиариқ томонларга ўтгач изсиз кетади. Бу томонда йўловчилар ўша автобусларни кўзлари тўрт бўлиб кутадилар. Ҳар қалай Олтиариқда "Бермурд учбурчаги" бўлмаса керак-ов.

### МАСЪУЛИЯТСИЗЛИКМИ ЁКИ...

**Султон САЪДУЛЛАЕВ, М. Улуғбек тумани, "Буюк ипак йўли" кўчаси 499-уй:**

— "Халқ сўзи" газетасига обуна бўлгандим. Уни ҳар куни ўз вақтида олиб, ўқиб турардим. Бир ойдан бери эса севимли нашрим ўз вақтида келмаяпти. Бу тўғрида алоқа бўлимига қилган мурожаатларимиз бесамара қолмоқда.

**"Халқ сўзи" мухбири Файзулла БОБО ДЎСТ ёзиб олди.**

